



20 20у « 6 » ИЮЛЬ

№ Қ-315

« » 20 г.

Термиз тумани “Каттақум” массиви “Учқизил” маҳалласи худудидан “Kohinur Royal” МЧЖга “Экспортбоп қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш нуқталарини қуриш” учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 03-02/315-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 23 майдаги 219/01-42-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 03-02/315-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Каттақум” массиви “Учқизил” маҳалласи худудидан “Kohinur Royal” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 2к-дала контуридаги 0,50 гектар яйлов ер майдони “Экспортбоп қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш нуқталарини қуриш” учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Kohinur Royal” МЧЖ “Экспортбоп қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш нуқталарини қуриш” мақсадида ажратилаётган ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 5 838 760 (беш миллион саккиз юз ўттиз саккиз минг етти юз олмтиш) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақам: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Сувонкулов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов